# Поездда юришга чегирмалар

## Поездда юришга чегирмалар

Поездда юришга чегирмалар Озбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йиль 13 апрелдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган қоидалар бойича белгиланади

§ 3. Поездда юришга чегирмалар

152. Темир ёль транспортида чипталар ёловчиларга толиқ қийматда сотилади, қонун ҳужжатлари билан поездда имтиёзли юриш белгиланган фуқаролар бундан мустасно.

Темир ёлларда йилига бир марта бепуль юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) қуйидагиларга тақдим қилинган:

Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Шон-шуҳрат орденининг учта даражаси билан тақдирланган шахсларга;

ярадор болган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

Чернобиль АЕС даги аварияни бартараф етувчилари-ногиронларига (Озбекистон Республикаси ҳудудида).

Темир ёлларда чиптанинг толиқ қийматидан еллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) талонларга алмаштириш ва гувоҳнома тақдим етиш бойича қуйидагиларга берилган:

3-гуруҳ уруш ногиронларига;

уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга.

Темир ёлларда чипта толиқ қийматидан еллик фоиз чегирмалар билан йилига бир марта (бориш ва келишга) юриш ҳуқуқига ега шахсларга, уларнинг хоҳишига кора икки йилда бир марта икки йиллик талонлар (жорий ва олдинги ёки жорий ва кейинги йилги) орнига йилига бир марта бепуль юриш (бориш ва келишга) тақдим қилинади. Бу ҳолда тогри ёналишда бундай юриш «бориш» икки талони орнига,

қайтишга еса — «Келиш» икки талони орнига расмийлаштирилади. Ушбу тартиб 3-гуруҳ уруш ногиронлари ва уруш қатнашчиларига тенглаштирилган шахсларга ҳам татбиқ етилади.